КУТУБХОНАСИ

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР 2-бет

ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? 6-бет

БИР СПЕКТАКЛЬ ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 106 (10.159) / 2004 ЙИЛ 4 ИЮНЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ватанинг тинч — сен тинч» шиори остида бўлиб ўтган китоб байрами Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** «Туркистон» саройининг ёзги биносида 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб ўтказилган экофестиваль «Санитария, гигиена ва экологик маданият» ўн кунлиги доирасида ташкил этилди.

● **БУГУН** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ёз ойларида мактаб ўқувчиларининг таътилни мазмунли ўтказишларини таъминлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● «**СЕН** ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси қошида келажагимиз ворисларига пухта билим бериш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида ўқув маркази фаолият бошлади.

● **ТАБИАТНИ** муҳофаза қилиш Давлат қўмитасида 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси қошида ахборот маркази ташкил этилди.

● **«ЭКСПО»** меҳмонхонасида 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокида тадбир уюштирилди. Унда тарбияланувчилар меҳмонхонани саёҳат қилишди, унинг фаолияти билан яқиндан танишишди. Миср фан ва таълим маркази, Туркия элчихонаси ходимлари қатнашган ушбу тадбирда болажонларга совғалар туҳфа этилди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 65-болалар боғчасида мазкур тарбия маскани тарбияланувчилари томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

● **ЎТГАН** куни болалар сил касалликлари санаторийсида, Болалар сил касалликлари шифохонасида, 14-болалар жарроҳлик шифохонасида ҳамда Руҳий асаб касалликлари сиҳатгоҳида даволанаётган болажонларга Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ажратилган спорт кийимлари, махсус кийим-кечаклар ва канцелярия моллари Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ходимлари томонидан топширилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# БОЛАЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

***«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида етим болаларни ижтимоий муҳофаза қилишга бағишланган халқаро конференция бошланди. Анжуман «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси билан ҳамкорликда БМТ Болалар жамғармаси /ЮНИСЕФ/, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги кўмагида ташкил этилди. Конференция Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан республикамизда ўтаётган ҳафталик доирасида бўлмоқда. Унда вазирлик ва идоралар, жамоат уюшмалари ва жамғармалар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, шу жумладан ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, «SOS Kinderdorf International» вакиллари иштирок этмоқдалар.***

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонда ёш авлоднинг баркамол ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мамлакатимиз раҳбарияти ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, — деди конференцияни очар экан, Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова.

Республикамиз болалар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган. Бу борада қатор давлат дастурлари, қонунлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз ушбу масала билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга катта маблағ ажратмоқда. Жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётган бундай ишлар Меҳр ва мурувват йилида янада кучайди.

Шуниси қувонарлики, бу ишда кўплаб халқаро ташкилотлар катта ёрдам бермоқда.

Ўтган йилги ЮНИСЕФ мониторинги якунларига кўра, республикада болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берилди. Бу ҳақида май ойида Сараевода бўлиб ўтган «Болалар учун озод дунё» халқаро конференциясида ҳам гапирилган эди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди. Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум болаларга алоҳида эътибор берилмоқда, бундай болалар тўлақонли ривожланиши учун барча зарур шароитларни яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда. Ота-онасиз тарбияланаётган болаларни қўллаб-қувватлашда катта ишларни амалга ошираётган «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

Анжуманда «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси ҳомийлик кенгаши раиси Л.Каримова жамғарма ташкил этилган 2002 йил ноябрдан буён қилинган ишлар ва келгуси режалар ҳақида маъруза қилди. Жамғарма ота-онасиз қолган болалар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, истеъдодини рўёбга чиқариш, келгусида ишга жойлашишига ёрдам берадиган қўшимча билимларни эгаллашда уларга кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шу сабабли жамғарма қисқа вақт ичида бундай хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиш истагини билдирган кўплаб маслакдошларга эга бўлди.

Бугунги кунда республикадаги меҳрибонлик уйларида 3193 бола тарбияланмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда уларнинг сони камаймоқда. Бу эса республикада оиланинг мавқеи, болаларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга доир олиб борилаётган ишлар самарадорлигини кўрсатади. Оиладан ташқарида вояга етаётган болаларнинг жамиятга қўшилиши масаласи жамоатчиликдан жиддий эътиборни талаб этади. Бундай болалар бошқалар билан баравар яхши билим ва истиқболли касбни эгаллаш имконига эга бўлиши керак. Шу боис «Sen yolg'iz emassan» жамғармасининг энг муҳим вазифаларидан бири меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлашдир.

Жамғарма ҳузурида меҳрибонлик уйларида вояга етганларни касбга йўналтириш билан шуғулланадиган ўқув маркази ташкил этилган. Бу ерда улар учун турли фанлар бўйича машғулотлар ўтказилади. Мактаб дастурига қўшимча равишда эгалланган билимлар болаларга коллеж, лицей, олий ўқув юртларига киришда ёрдам бермоқда.

Конференцияда халқ таълими вазири Т.Жўраев, соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бренда Виго, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ваколатхонаси раҳбари Арун Нанда ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари сўзга чиқди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда ота-онасиз тарбияланаётган болалар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича самарали тизим яратилган. Меҳрибонлик уйларида уларнинг тарбияси ва ривожланиши учун зарур шароитлар мавжуд. Бироқ энг кучли ғамхўрлик ҳам ота-она меҳрини боса олмайди. Шунинг учун болаларни васийлик ва асраб олишга бериш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда маҳаллаларнинг аҳамияти ортмоқда. Мамлакатимизда оилавий турдаги 4 меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатмоқда. «SOS - Ўзбекистон болалар маҳалласи» уюшмаси ҳам шу каби тамойил асосида ишламоқда. Ногирон болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундай болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш дастури амалга оширилмоқда.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, Бош вазир ўринбосари Э.Ғаниев, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Игорь Ивановни қабул қилди. Суҳбат давомида Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро ҳамкорлиги, мамлакатларимизнинг ШҲТ доирасидаги муносабатлари ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

● **Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ҳамда Матбуот ва ахборот қўмитаси оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида меҳр ва мурувват тушунчаларини шакллантиришда оила ва оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказди.**

● **Иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 14-сессияси бўлиб ўтди.**

● **Андижон вилоятида фаоллар иштирокида бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ғўза парвариши масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

● **Нарпай тумани пиллакорлари қабул пунктлариг а 43 тонна сифатли хом ашё топширган ҳолда Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб пилла тайёрлаш шартномавий режани бажардилар.**

### Жаҳонда

● **Мексиканинг Гвадалахара шаҳрида Лотин Америкаси ҳамда Европа Иттифоқи давлат ва ҳукумат раҳбарларининг саммити ўз ишини якунлади.**

● **АҚШ Сенати ва бюджет комиссияси Пентагонга Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётлар учун яна 25 миллиард доллар ажратишга қарор қилди.**

● **Афғонистон вилоятларидан бирида «Чегара билмас шифокорлар» халқаро ташкилоти ходимларига номаълум шахслар томонидан ҳужум уюштирилди.**

● **Бразилиянинг шимоли-шарқида жойлашган Авагоас штатида рўй берган сув тошқини оқибатида 20 киши ҳаётдан кўз юмди, 2 мингдан зиёдроқ кишилар эса бошпанасиз қолди.**

● **Марсда изланишлар олиб бораётган «Оппортьюнити» робот аппарати қизил сайёрада яна бир сўнган вулқон кратерига дуч келди. Қизиғи шундаки, мазкур вулқон тирик бўлиши мумкин.**

● **Афғонистон ажойиб кўргазмалар туркумини ташкил этишга тайёрланмоқда. Унда улкан археологик топилма — ҳозирга қадар музейларда кўрсатилмаган «Бактрия олтинлари» намойиш этилади.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби ҳақида билмоқчи эдим.**

**Ё.Сулаймонова, ҳамшира.**

Юртимизда соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида ФХДЁ идоралари томонидан рўйхатга олинадиган барча никоҳланувчи фуқаролар Оила кодекси талабларига мувофиқ тиббий кўрикдан ўтказилади.

Никоҳланувчи шахслар ФХДЁ идоралари томонидан қонунда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтиши учун яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади.

Никоҳни қайд этишда ФХДЁ идоралари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганига ва уларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Никоҳланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонни тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши шарт. Тиббий кўрикдан ўтгандан кейин никоҳ тузилишига тўсиқ мавжуд бўлмаган тақдирда ФХДЁ идоралари томонидан никоҳни қайд этиш белгиланган тартибда амалга оширилади. Никоҳланувчи шахсларда дарҳол даволаш курсидан ўтишини талаб этувчи касалликлар аниқланган ҳолда улар белгиланган тартибда тегишли даволаш муассасаларига юборилади.

Бундан ташқари тиббий кўрикни ўтказган шифокор кўрик натижаларининг холислиги учун шахсан жавобгардир. Никоҳланувчиларнинг тиббий текширувдан ўтгани тўғрисидаги маълумотномаси бўлмаган ҳолларда никоҳ қайд этилишига йўл қўйилмайди. Қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ ФХДЁ идоралари ходимлари никоҳни қайд этиш вақтида ўзларига маълум бўлган шифокорлик сирларига оид маълумотларни ошкор этишса, ушбу ҳаракатлари учун қонуний жавоб беришади.

* * *

**Ўзим II гуруҳ ногирониман. Яқинда автоҳалокатга учраб бир кўзимдан айрилдим. Эшитишимга қараганда, ногирон сифатида кўзимга бепул қоплама қўйдиришим мумкин экан. Қайси ташкилотга мурожаат этишим керак?**

**С.Иномов.**

Биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ ногиронлари давлат томонидан қўл, оёқ ёки кўз каби тана аъзоларига қопламаларни бепул қўйдириш ҳуқуқига эга. Бунинг учун сиз Республика Ижтимоий-таъминот вазирлигига ариза билан мурожаат қилишингиз керак. Ўзимиздаги қоплама тайёрлаш корхоналари ёхуд хориждан давлат йўналишида сотиб олинган протезлар бўлса, уни сизга давлат томонидан (хусусий корхона ва ташкилотларнинг хизматлари пуллик) бепул қўйиб беришади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТОЙ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

***Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар илдизи қадим тарихга эга. Бунда Буюк ипак йўлининг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган. Истиқлол йилларида икки мамлакат ўртасида барча соҳалардаги алоқалар янги, юксак поғонага кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига, Хитой раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифлари икки томонлама ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб берди.***

Кенг кўламдаги ана шу ҳамкорлик доирасида юртимизда 11-15 июнь кунлари ўтадиган Хитой маданияти кунлари икки мамлакат халқлари ҳаётида муҳим воқеа бўлади. Ушбу тадбир ўзаро маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиб, юртдошларимизни хитой халқи маданияти ва санъати билан янада яқинроқ таништиради.

Айтиш жоизки, илгари хитой миллий ашула ва рақс ансамблининг концерти Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Жиззах каби шаҳарларимизда муваффақиятли ўтган. Хитойлик санъаткорлар мунтазам равишда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалларида қатнашиб келадилар.

Ўз навбатида мустақил Ўзбекистон тарихи, адабиёти, маданияти ва санъати бутун жаҳонда бўлгани каби Хитойда ҳам катта қизиқиш уйғотаётир. Ўтган йили мазкур мамлакатнинг Чаньчунь шаҳрида буюк мусаввир бобокалонимиз Камолиддин Беҳзод ҳайкали қад ростлади. Ушбу ёдгорлик муаллифи ҳамюртимиз, таниқли ҳайкалтарош Равшан Миртожиевдир. Пекиндаги тасвирий санъат музейида эса ўзбек мусаввирлари ва фотоусталарининг кўргазмаси ташкил этилди. Қатор ижодий жамоаларимиз, жумладан, «Шодлик» ансамбли ХХРнинг бир неча шаҳарлари аҳлини миллий санъатимиздан баҳраманд этган. Анъанавий Пекин Халқаро маданият ва туризм фестивалида Қува туманининг «Анор» ашула ва рақс ансамбли, пойтахтимиздаги Ибн Сино номли маданият маркази «Умид» гуруҳининг мусиқий чиқишлари хитойлик ихлосмандларга манзур бўлган.

«Ниҳол» мукофотининг совриндори Ирода Йўлдошева Шанхайда ўтган Осиё халқаро мусиқа фестивалида муваффақиятли иштирок этган.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигидан ЎзА мухбирига хабар қилишларича, Хитой маданияти кунларида бу мамлакатнинг энг яхши мусиқий, бадиий ва бошқа ижодий жамоалари ўзининг сара дастурлари билан иштирок этади. Қатор халқаро танловлар совриндори - «Гуань чжоу» цирки, хитой миллий чолғу оркестри ва бошқа жамоалар шулар жумласидандир.

Хитой маданияти кунлари арафасида Ўзбекистон Бадиий академияси ва Замонавий санъат марказида мазкур юрт мусаввирлари ва фотоусталарининг кўргазмалари очилади. Уларда Хитойнинг бугунги ҳаёти, табиати, тарихий обидалари, миллий анъаналари, урф-одати, турмуш тарзи ўз ифодасини топади.

Маданият кунлари пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали равишда очилади. Хитой санъаткорлари Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри, Ўзбекистон Давлат консерваториясида концертлар берадилар.

Маданият кунлари доирасида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан мазкур мамлакат элчихонаси ҳамкорлигида хитой киноси кунлари ўтказилиши мўлжалланган. Киночилар уйида ўтадиган фестивалда бадиий, ҳужжатли ва анимацион фильмлар кўрсатилади.

Хитой ижодий жамоалари Самарқанд шаҳрида ҳам ўз санъатини намойиш этади. Вилоятнинг Ҳамид Олимжон номидаги мусиқа ва драма театри улар ихтиёрида бўлади. Меҳмонлар бошқа театрлар, маданият масканлари, музейлар, тарихий қадамжоларга ташриф буюрадилар, ижодий учрашувлар ўтказадилар.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ХУСУСИЙ КОРХОНАНИНГ БУГУНГИ КУНИ

***Чилонзор туманидаги айтилган манзилга етиб борганимизда гўёки хиёбон ёки сайилгоҳга келиб қолгандай ҳис қилдик ўзимизни. Бундан роппа-роса икки йил аввал «ГИФ Дўстлик» хусусий корхонаси — тадбиркор Ғафур Тўлагановга савдо шохобчаларини қуриш ҳамда атрофларини ободонлаштириш учун ер ажратиб берилганди.***




Бугунги кунга келиб бу ерда 50 квадрат метр савдо майдонига эга бўлган минимаркет, 40 ўринли қаҳвахона, 120 ўринли ресторан, 6 ўринли гўзаллик салони аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, замонавий савдо шохобчалари атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун 875 квадрат метр чим ётқизилди, 4 ярим минг туп анвойи атиргуллар экилди, 50 тупдан ортиқроқ ҳамиша ям-яшил турувчи арча ва манзарали дарахтлар ўтқазилди. 3500 квадрат метр майдонга брусчаткалар ётқизилди ҳамда 700 квадрат метр ер асфальтланди, мазкур маҳалла ҳудудида маиший чиқиндилар учун алоҳида ахлатхона ҳам қуриб берилгани диққатга сазовордир.



Тиниб-тинчимас, ғайрат-шижоатли Ғафур ота ўз фарзандлари ҳамда набиралари билан биргаликда атрофдаги аҳолига қулайлик яратиш мақсадида яна кўплаб хайрли ишларни амалга оширишди. Яъни, иккита мармар фаввора, 100 тага яқин сув пуркагичлар, ҳордиқ чиқариш учун 25 тадан ортиқ ёғоч ўриндиқлар, 30 дона ахлат қутилари ўрнатилди. Эътиборли томони, ушбу ҳудудни кечқурунлари 70 тадан ортиқ кўркам электр ёритгичлар нурафшон қилиб, ажиб тароват бағишлайди.

Изланувчан тадбиркор ташаббуси билан булардан ташқари қудуқ қазиб сув чиқарилди, ҳозирги кунда фуқаролар учун тандирхона, қандолат цехи ҳамда музқаймоқ ва яхна ичимликлар билан савдо қилувчи шохобчалар ҳам ишга туширилган.

— Оллоҳга шукр, мустақиллигимиз шарофати билан, ишбилармон фуқароларимизга хусусий тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратилди, — дейди Ғафур ота Тўлаганов. Улардан унумли фойдаланган ҳолда ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатиш сифатини оширишни асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Шу боисдан ҳам шу ойдан ходимларимизнинг ўз соҳаларида билимларини бойитишлари, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадларида фирмамизга ўқув машғулотлари олиб боришга малакали мутахассисларни таклиф этганмиз.

Ҳимматли, саховатпеша тадбиркор Ғафур ота шу ҳудудаги кўп қаватли уйларни кузги-қишки мавсумга тайёрлаш учун 1,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди, шунингдек, «Нўғайқўрғон» маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган, муҳтож оилаларга ҳам мунтазам равишда мурувват ёрдами кўрсатиб келмоқда. Жумладан, шаҳар кўзи ожизлар жамияти оталиққа олиниб, хайрия ёрдами берилмоқда, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан жамият аъзоларига 150 минг сўмлик мурувват -кўрсатилди. Айни ўша байрам куни минимаркетга кирган ҳар бир харидорга чинни гул, кекса отахону онахонларга ширинликлар улашилди. Бундай эътибордан ҳамшаҳарларимизнинг кўнгиллари шод, диллари чароғон бўлди.

Айни кунларда ҳам фирма жамоасининг ишлари қизғин. Бу ерда қурилаётган «Интернетклуб» ҳадемай тўла жиҳозланиб, иш бошлайди, шу билан бирга, 12 та замонавий, кабинали таксофонлар ўрнатилиши ҳам ой охиригача тугалланади. Бундан ташқари фирмага қарашли савдо шохобчалари ёнидаги қаровсиз ётган ташландиқ ер майдони ўрнида «Болалар шаҳарчаси»ни ҳам тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан бунёд этишни режалаганлар. Бу ерда болажонлар учун ажойиб, ранг-баранг кўнгилочар томошагоҳ, ўйингоҳлар ташкил этилади.

Табаррук 78 ёшга қадам қўйган Ғафур ота фарзандларию невара, эвараларн ардоғида. У ҳамиша эл-юрт фаровонлигига муҳим ҳисса қўшиш, саховат ишларида фаоллик кўрсатишга интилади, фарзандларини ҳам шунга даъват этади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «GIF DO'STLIK» савдо шохобчалари.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Эй ўғил! Бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу ҳунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган! Унутмагинки, юрт ва элнинг ривожи ҳам ҳунарга боғлиқ! Энг ҳалол, энг ёқимли емиш ва кийим ҳунардан ҳосил бўлади! Ҳунар яширин ҳазина! Куни келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам, ҳунардан ҳеч қачон ажралмайсан! Аксинча, у янада сайқал топиб бораверади. Ҳунар сенинг доимий ҳамроҳинг ва мададкорингдир.

● Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири — ишламасдан бировлар инъон-эҳсонига тама кўзини тикиб ўтиришдир. Бундай салбий хислатга эга бўлганлар ҳамма вақт қоралан-ганлар. Эл орасида беқадр бўлганлар. Касбу ҳунар эгаси тамадан холидир. У ўз ҳунарининг фазилати туфайли ўз қўл меҳнати билан ҳалол топиб, ҳалол ейди.

● Билгинки, ҳунар дунёда молу пул ғамлаш, ундан ўз маишати учун фойдаланиш учунгина эмас. Ҳар қандай ҳунарманд киши ўз ҳунари билан одамларнинг кўнглини олмоғи, кўпчиликка ёрдам бериб, уларни хурсанд қилмоғи лозим. Зеро, Шайх Саъдий айтадики:

**Кишида бўлмаса**
**фазлу ҳунардан,**
**Ундайнингувратдан**
**нима фарқи бор?!**
**Ҳунар дунё тўплаш**
**учун эмасдир,**
**Ўзгалар кўнглини шод**
**қилган такрор!**

● Ҳакимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши кўнглига нима келса оқибатини ўйламай қилаверади. Тажрибакор ва ақлли одамларнинг гапига қулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса уларга рози бўлади. Ўзига ҳаддан зиёда бино қўяди. Кимки уни мақтаса ўша кишини яхши кўради. Сўралган нарсага оқибатини ўйламай жавобини бераверади. Ҳар бир ишга шошқалоқликка йўл қўяди. Илмдан холи, хатога эса кон бўлади. Бойиб қолса ёки бировга ҳожати тушмайдиган бўлиб қолса ҳеч кимни менсимай, мағрурланиб юради. Биров савол берса жавоб бергиси келмайди. Саволга қўполлик билан жавоб беради. Ўзи сўрамоқчи бўлса ялиниб сўрайди. Кулса қаҳ-қаҳ уриб кулади, йиғласа ундан ҳам ўтказади.

● Минг оғиз беҳуда сўздан бир луқма нақ таом яхши.

● Унутмагинки, ҳар бир айтилган сўз кишининг юрагидан дарак беради.

● Бирор ерга борганда эзмаланиб узоқ ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қимматини оширади.

● Дунёнинг барча ёмонлиги қулфланган бир уйга яширилган. Унинг калити бойликка бўлган ҳирсдир.

● **Ҳикмат.** Киши сахий душмандан сақланганидан кўра хасис дўстдан асрангани яхшидир.

**Байт:**
**Ҳар кимсада бўлса**
**қабиҳ бир одат,**
**Бу одатни қилар бир**
**куни такрор.**

● Ўз нафсини деб бойлик қидиришдан қочиш натижаси роҳат, эл молидан тама ипини узиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билиб, айбини топаман дейишдан қўл ювиш натижаси юксак хулқдир.

● Тинч бўлай десанг нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.

***"Тошкентленд" истироҳат боғида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси билан ҳамкорликда Республикамизнинг Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйларининг 1300 нафар тарбияланувчилари учун хайрия тадбири ўтказилди.***

# ОРЗУЛАРИНГ УШАЛСИН, БОЛАЖОН!

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳр ва мурувват йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида жамғарма томонидан кўпгина маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини ҳамда ота-онасиз тарбияланаётган болаларнинг ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом шахс бўлиб тарбияланишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Юртимизда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланди. Жамғарма томонидан мазкур байрам кунлари қатор тадбирлар ташкил этилди. Жорий йилнинг 27 май куни Бадиий Академиянинг кўргазмалар залида ўтказилган мамлакатимизнинг иқтидорли ёшларидан бири Оксана Бедрицкаянинг шахсий кўргазмаси, 1 июнь куни Ўзбекистон Бадиий Академиясида Республиканинг 3 ёшдан то 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказилган "Ер куррасида тинчлик" Республика расмлар кўрик-танлови, 5 июнда бўлиб ўтадиган "Ипак Йўли" камер хори ижросида хайрия концерти шулар жумласидандир.

Мазкур хайрия тадбирида Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги болажонлар илк мартаба иштирок этмоқдалар.

"Тошкентленд" истироҳат боғидаги барча аттракционлар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари ва васийликка олинган болаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун бепул хизмат қилди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## «ҲУШЁР» НАЗОРАТЧИЛАР

Юнусобод бозорининг Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб кетган ўнг томони доимо машиналар билан банд бўлади. Бу ерда автоуловлар туриши тақиқланган бўлишига қарамай, кун бўйи турна қатор машиналар шу жойдан муқим ўрин олиб тўхтаб тураверади. Йўл назоратчилари (билмадик ўртада қандай келишувчанлик бор) кўз ўнгида турган бу машиналарга парво қилишмайди, сўраб-суриштиришмайди ҳам. Лекин шу яқин ўртага биронта бегона машина оралаб кўрсинчи. Шунча автоулов турганда мен бир зум машинамни тўхтатиб ичидаги одамларни ёки бозорга сотиш учун олиб келинган ёз неъматларини тушириб юборсам ҳеч нарса қилмас, деган хаёлда бирон нотаниш ҳайдовчи машинасини тўхтатиб кўрсинчи. Кўзи олазарак назоратчилар соя-салқинда яшириниб турган жойдан ўқдек отилиб чиқишадида (қизиғи шундаки, бундай ножоиз ҳаракатларнинг биронтаси уларнинг эътиборидан четда қолмайди) дарҳол сизга тўхташ ишорасини қилишади. Тўхтадингиз, масалангиз ҳал. Осонликча уларнинг қўлидан қутула олмайсиз.

Ўтган якшанба куни биз билан ҳам шундай ҳолат юз берди. Турна қатор саф тортиб турган машиналар ёнида бир зум тўхтаб қулай жой бўлгани учун бозорга олиб келинган икки тоғора гилосни тушириб, қайта юришимиз билан балога қолдик. Ўрта бўйли озғингина назоратчи «Жигули» машинаси кабинасидан чаққон тушди-да, таёғини кўтариб олдимиздан чиқди.

— Ҳужжатларингиз?

Қўлига ҳайдовчилик гувоҳномасини тутқаздик.

— Нега қоидани буздингиз?

— Ахир шунча машиналар кун бўйи турганда биз ноиложликдан бир зум тўхтасак нима қилибди?

— Гувоҳномангизни ГАИдан оласиз.

— Бир гал кечира қолинг.

Ўртага унинг ёнидаги шериги аралашди. Хуллас, қанча асаббузарликдан сўнг, аранг гувоҳномамизни қайтариб олдик.

Биз адолатли демократик жамият қураётган бир даврда қонун барчага баробар эканлигини эътиборга олмай, кимлар билан дир мутлақо иши йўқ, бошқа ўтган-кетганларни эса бир зумлик тўхтов учун асабини бузиб турган бу ҳуқуқшуносларнинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин? «Қоидабузарларга» қоидабузарлик йўли билан ўз ҳукмини ўтказаётган бу назоратчиларнинг иш услубини назорат қиладиган идора борми ўзи? Ҳар қалай шаҳар бедарвоза эмаску ахир.

## БОЛАЛАР УРИШАДИ, ТАЛАШАДИ, ЯРАШАДИ

Ён қўшни—жон қўшни. Қадим-қадимдан ҳукм суриб келаётган бу ибратли гап мағзида қўни-қўшниларнинг бир-бирлари билан аҳил ва иноқлиги, тотувлиги ҳақидаги маъно ётади. Чиндан ўйлаб қаралса, ҳаёт бор экан инсон бошидан яхши-ёмон кунлар ўтиши табиий. Шундай кезларда ҳам биринчи бўлиб сенга ёрдамга ён қўшнинг келади. Ахир доно халқ «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг афзал» деган иборани бежиз айтмаганда.

Одинахон, Севарахонлар девор-дармиён қўшни. Ҳар иккала оила йиллар давомида тинч-тотув яшашган. Сиз оғзилари санга бормаган. Уларни яқиндан билганлар бу икки аёлнинг опа-сингил бўлиб кетишганини таърифлашарди. Кунлардан бир кун опа-сингилларга кўз тегди. Ўйинқароқ болалар туфайли улар сан-манга бориб қолишди.

Беш ёшли Мадинахон бурнини қонатиб уйга кириб келди. Одинахон эшикдан йиғлаб кирган қизалоғи томон югурди.

— Вой болажоним, нима бўлди йиқилдингми?

— Йўқ.

— Нима бўлди ўзи, нега бурнинг қонади?

— Ғулом урди.

— Нега, нимага уради?

— Мен унинг кўзига қум сочиб юборган эдим.

Нариги томондаги девор ортидан Севарахоннинг овози эшитилди.

— Кўзингга нима қилди? Нега очолмаяпсан?

— Мадина қум сочди. Кейин мен уни урдим.

— Вой шунақами? Ҳали қараб турсин у арзанда...

Бор гап шу. Икки аёл бир-бирлариникига отилишди. Тўқнашув кўчада бўлди.

—Ҳой, қўшни, эркатойингизга айтсангиз бўлмайдими? Болани қопқора қонга белабди-ку.

— Олдин ойимтиллангизни эплаб олинг. Нега ўғлимнинг кўзига қум сочади. Болани кўр қилишига сал қоптику.

Ўртага бошқа қўшнилар тушиб уларни зўр-базўр тинчитишди. Аёллар гарчи уйларига тарқалишган бўлсада, кечгача девор ортидан гоҳ у томон, гоҳ бу томон «кесак отиб» турди.

Одатдагидек, кечки пайт қўшни аёллар эшик олдидаги сўрида давра қуришди. Улар орасида Одинахон ва Севарахонлар ҳам бор эди. Лекин бу сафар «опа-сингиллар» ёнма-ён ўтиришмади. Бир-бирларига ёвқараш қилиб, аёлларнинг нариги-бериги томонидан жой олишди. Улардан сал узоқроқда қий-чув қилиб ўйнаётган болалар орасида Мадинахон, Ғуломжонлар ҳам бор эди. Кичкинтойлар эрталаб ораларидан ўтган келишмовчиликни аллақачонлар унутиб юборишган, бир-бирлари билан дилдан қувнаб ўйнашарди. Ҳозиргина бир-бирини кўрарга «кўзи йўқ» бўлиб ўтирган ҳар иккала аёл болалари орасидаги дўстона вазиятни узоқдан кузата туриб ўзларича хижолат тортишар, шу топда ўйламай-нетмай бир-бирларини хафа қилиб қўйганларидан пушаймон эдилар. Шу пайт Ғуломжон Мадинахонни етаклаб онаси Севарахоннинг ёнига келди-да унга илтижо қилди.

— Ойижон, биз Мадина билан анави кичкина ҳовузда чўмилсак майлими?

— Майли болажоним, олдин Одинахон холангдан ҳам рухсат олинглар.

Жажжи Мадинахон онасига эркаланди.

— Бора қолинглар, лекин тезроқ қайтинглар.

Болалар кетишгач, Одинахон Севарахонга гап қотди.

— Ҳой, ўртоқжон, нега у томонга ўтириб олдингиз, жойингизга ўтинг, — ёнига чақирди у қўшнисини.

— Вой дугонажон, билмасдан бу томонга ўтириб олганимни қаранг.

Даврадаги хотинлар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Шунақа қўшнижонлар, — деди кимдир шунда улар орасидан. — Болалар уришади, талашади, ярашади. Уларнинг ўртасига эси кетган тушади.

Бу гапдан Одинахон ва Севарахонларнинг юзлари ял-ял ёнди.

## БАЛИҚЛАР ҚАЕРДАН КЕЛЯПТИ?

Гулистонга яқин қариндошимизники бордик. Ўша куни тунаб, эрта тонгда йўлга тушадиган бўлдик. Саҳарлаб автовокзалга келиб Сирдарё—Тошкент автобусига ўтирдик. Кўп ўтмай Гулистон орқада қолди. Икки вилоятни бир-бири билан туташтирувчи Сирдарё устидаги баҳайбат кўприкдан ўтиб Чиноз бозорига етиб келдик.

Автобусимиз тўхташи билан қоп, катта-катта халта кўтариб олган аёллар чаққон машина салонига чиқишди. Уларнинг баъзилари оғир юкларини ҳайдовчи ёрдамида машина юкхонасига жойлашди. Бир зумда автобус салонини балиқ ҳиди тутиб кетди. Ёнимиздаги йўловчи аёлни гапга солдик.

—Бу ҳам тирикчиликнинг бир турида, отахон. Ҳар куни эрталаб Чинозга саҳарлаб келиб-кетамиз. Бу ерда балиқ арзонроқ. Мижозларимиз бор. Улар келишимизни пойлаб туришади. Бир кун олдин овлаган балиқларини бизга кўтарасига сотишади.

Билсак, бу аёллар воситачилик ролини бажаришаркан. Арзонга олган балиқ маҳсулотларини шаҳар бозорларидаги олибсотарларга (уларнинг номи ҳозир тадбиркор) устама нарх билан пуллашаркан. Агар Чинозда 1 килограмм балиқнинг нархи 1000 сўм бўлса, у қўлмақўл ўтиб 2,5-3 минг сўмгача бориб етаркан.

Энг муҳими шундаки, ҳозир айни балиқ урчитиш мавсуми. Бу даврда балиқ овлаш ҳамма жойда бирдек тўхтатилади, тақиқланади. Лекин ишбилармонларга ҳар қандай тўсиқ чегара эмас. Улар турли йўллар билан балиқ овлаб, мўмай пул топиш билан овора. Чиноз бозорида бўлгани каби Тошкент бозорларида ҳам бемалол балиқ маҳсулотлари сотиляпти. Балиқ овлаш ва унинг олди-соттиси тақиқланган бу даврда уни кимлар, қай йўл билан олиб келаётгани билан ишимиз йўқ. Шунинг учун бўлса керак, айни кунларда ҳатто шаҳримиз ошхоналарида пиширилган балиқнинг турли хиллари кўзга ташланади. Фақат нархига чидасангиз бас.

Яқинда номи чиққан «Ўрда» ошхонасига борганимизда ўзимиз бунинг гувоҳи бўлдик. Пештахтадаги лаганларга пиширилган балиқлар чиройли қилиб териб қўйилган. Лекин нархи осмонда — 100 грамми 500 сўм.

— Нега қиммат? — сўраймиз таажжуб билан.

—Ҳозир балиқлар кам. Шунинг учун қиммат.

Улар бу ноёб маҳсулот нега камлигининг аниқ сабабини айтишмайди. Айтишса, бошларига бало орттириб олишадида. Бундай вақтда ими-жимида иш битгани яхши...

Лекин бу қилмиши табиатга, қолаверса, ўзимизга қимматга тушиши билан ҳозирча ишимиз йўқ.

*Элатлар, одатлар*

## КУЁВ УЧУН СИНОВ

Қадимий анъана — куёвлар учун «Никоҳ синови» ҳозир ҳам айрим ерларда сақланиб қолган. Гибрид оролларидан бирида куёв никоҳ олдидан чети океанга туташ баланд тепаликдан «Севишганлар девори»да бир кечани ўтказиши лозим. Бу шундай жойки, салгина эҳтиётсизлик қилинса пастга қулаш мумкин. Балки «хавфли синов»ни такрорламаслик учун ҳам бу ерда эр-хотиннинг ажралиши жуда камдир.

* * *

Бременда (ГФР) ўрта асрга хос одат сақланган. Никоҳ арафасида куёв келин турадиган уйнинг зиналарини яхшилаб супуриши керак. Айтишларича, келин бўлғуси умр йўлдошининг хулқини ана шу ишни қандай бажаришига қараб баҳолар экан.

* * *

Яхши куёвга дуч келган киши ўғил топади, ёмон куёвга дуч келган киши эса қизидан ҳам ажралади.

## ТАОМ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

Ҳинд чойлари азалдан ва ҳанузгача жаҳонда машҳур. Ҳиндлар учун у нафақат ичимлик, балки таом ҳам. Бир пиёла чойдаги қувват бир тўғрам нонга тенг эканлиги аниқланган. Энди чойга сут, сариёғ, қаймоқ, асал ҳамда анвойи зираворлар қўшиб дамлайдиларки, бундай чой дарҳақиқат таом вазифасини ўтайди.

* * *

Деҳли, Мадрас, Калькутта каби ҳар бир вилоятнинг ўзига хос бўлган чой дамлаш усуллари мавжуд. Бўлажак келин чой дамлашнинг ана шу усулларидан воқиф бўлиши, уйга ташриф буюрган меҳмон дастурхонига таомилга кўра чой дамлаб қўйишни билиши керак.

* * *

Австриядаги расм-русумга кўра келин студель деган таомни қандай тайёрлай олишига қараб танланар экан. Ушбу таом олма солиб пишириладиган рулет бўлиб, унинг хамирини шундай маҳорат билан қориш ва ёйиш зарурки, кўриниши ва нафислиги Вена қизларининг гўзаллигига монанд бўлсин.

*Бир-бирига ёндош бўлган икки оила. Уларнинг бири иккинчисидан кўп жиҳатдан, солиштириб бўлмайдиган даражада фарқ қилади. «Кафе» деб аталадиган маишатхона хўжайини бўлмиш Мухтор ва собиқ ўқитувчи Фаридалар оиласи юзаки қараганда беками-кўст, бадавлат, бахтиёр хонадон... Неча юз кишилик дастурхонда зиёфат бериб қизини турмушга чиқаради, келин-куёвга автомобиль совға қилади...*

*Мулоҳаза*

# ИККИ ОИЛА ФОЖИАСИ

### ёки «Қайтар дунё» спектакли хусусида ўйлар

Иккинчи оила эса — амал-тақал қилиб кун ўтказиб келаётган Хатира опа ва унинг ёлғиз ўғли Ойбек. Она оддий меҳнаткаш, бева бир аёл. У кўзининг оқу қораси бўлмиш ўғлини қийинчиликлар билан катта қилган. Ҳозир ҳам Мухторнинг кафесида хизматкор лозим бўлган тақдирда унинг уйида оқсочлик қилади. Лекин моддий қийинчиликлардан нолимайди. Унинг ягона дарди — ўғли. Бу бой ва камбағал икки оиланинг бир-бирига ўхшашлик томони — уларнинг бошига тушган мусибат бир хил. Ойбек ашаддий гиёванд бўлиб қолган. «Қора илон» Мухторлар хонадонига ҳам аллақачон кириб борган ва заҳарли тиғини санчишга улгурган, яъни Мухторнинг ўғли Муҳсин ҳам бангиликка қараб йўл тутган. Аммо айнан ўша қора вабо савдоси билан машғул бўлган, ҳаром бойлик орттиришга муккасидан кетган «тижоратчи» ота бундан бехабар. Мухтор бир боланинг отаси бўлишга улгурган, лекин кўп ҳолларда уйга кеч келадиган, хотинига қайрилиб боқмайдиган, эркаклик сифати тугаб бораётган ўғлининг хатти-ҳаракатларига бепарво. Бу ҳақда ўйлашга вақти ҳам йўқ. Негаки, яккаю ягона мақсади, дарди — молдунёсини кўпайтириш, шу йўл билан обрў орттириш, мавқеини кўтариш. Унинг учун бу дунёда ягона мезон, бу— пул. Оталик бурчини ҳам фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлашдан иборат, деб билади. Шу боисдан Муҳсиннинг тагида машина, бир киссасида жарақ-жарақ пул, иккинчисида — уяли телефон...

Мухтор ўз вақтида Ойбекни гиёвандликка ўргатган, ундан воситачи сотувчи сифатида фойдаланган. Лекин буни қарангки, қайтар дунё деганларидек, оқибат-натижада унинг ўзи ҳам қора вабо қурбонларидан бирига айланади: оила буткул барбод бўлади, тижорат ишлари инқирозга юз тутади...

Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида Суннат Азаровнинг пьесаси асосида режиссёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳабибулла Файзиев томонидан саҳналаштирилган «Қайтар дунё» спектакли ана шундай фожиани ҳаяжонли саҳналарда мантиқан ишонарли қилиб кўрсатиб беради.

Мазкур спектаклни томоша қилганимга анча бўлган эса-да, гоҳо-гоҳо ҳали қоронғу гўшаларда фарёд чекиб, адашган ўғлини ахтариб юрган жафокаш она — Хатира опа, буткул барбод бўлган оилани ташлаб чиқиб кетаётган хонадон соҳибаси Фарида (артист Гулбаҳор Раҳимова), ҳали ота сифатида, эр сифатида, қолаверса, бир одам сифатида руҳан мажруҳ бир кимсага айланган эр киши сиймолари кўз олдимда гавдаланиб, вужудим ларзага келади. Томошабинларни саҳнада кечаётган воқеаларга буткул ишонтира оладиган спектаклнинг қудрати ҳам шунда.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб биламан: Хатира опа пьесада иккинчи даражали қаҳрамон сифатида талқин қилинган. Шу боисдан сўзлари кам. Ҳатто иштирок этувчилар рўйхатида охирги ўринлардан бирида қайд этилган. Спектаклда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азиза Бегматова ижросида томоша жараёнига «жон киритадиган», унинг таъсир кучини оширадиган етакчи образлардан бирига айланган. Шу сабабдан саҳнада қандай ҳодисалар кечмасин, Хатира опа иштирок этадими-йўқми, улар муштипар оналар дарди бўлиб туюлади бизга. Ахир баъзи ёшлар орасидаги гиёвандлик касали биринчи навбатда оналар учун фожиа эмасми?!

Асарда қора вабодан жабр кўрган яна бир оила бор. Бу — Мухторнинг ягона қизи — Нигора келин бўлиб тушган хонадон. Аммо Нигоранинг қисмати билан боғлиқ воқеалар саҳна ортида кечгани туфайли биз уларни кўрмаймиз. Бинобарин, бу томошабин учун шарт ҳам эмас.

Пьесани саҳналаштирувчи режиссёр рассом — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Александр Батиков билан ҳамкорликда ўзига хос, теран маъноли бадиий ечим топа олганки, бунга тан бермай иложингиз йўқ. Шу ечимдан келиб чиқиб безатилган ягона саҳнанинг ўртасига салобатли, замонавий, юмшоқ курси ўрнатилган. Спектаклда кечадиган барча воқеалар, ҳаракатлар, ҳолатлар, жумладан фожиа даражасига кўтарилиб бораётган асосий воқеа маркази ана шу момиқ курси. Мухтор ўзини юқори баҳолайдиган манман одам. У барча ишларни ўша ерда ўтирган ҳолда бошқаради. Курсининг хусусиятларидан бири шуки, у турган ерида ўз ўқи атрофида айланади. Демак, «хўжайин» ўрнидан жилмаган ҳолда ҳар томонга қўл узата олади. (Артист Баҳодир Мирмақсудов бу услубдан ўринли фойдаланади). Курси фақат воқеалар ниҳоясига етай деб қолган бир паллада жойидан кўчади. Бу эса рамзий равишда, ғишт қолипдан кўчди, Мухтор инқирозга йўл тутди, деган маънони англатади. Ростдан ҳам шундай бўлиб чиқади. Мухтор жафокаш оналар қарғишига қолган бўлса ажаб эмас.

Бу кошонадан, эридан воз кечишга қарор қилган, вужуди дард ва аламларга тўлиб-тошган Фарида уйдан чиқиб кетиш олдидан Мухторнинг тепасида туриб «Ҳаммаси тамом бўлди.... Шарманда бўлдик... Абгор бўлдик!..» дейди. Бу спектаклга қўйилган якунловчи нуқта, деб қабул қилинади.

«Қайтар дунё»ни икки оила тақдири мисолида кўрсатилган қанча-қанча одамларнинг фожиаси, дейиш мумкин. Гиёвандликка, ОИТСга қарши кураш бутун дунёда оммавий тус олган ҳозирги вазиятда шу мавзуда яратилган, томошабинлар қалбига йўл топа оладиган спектаклнинг саҳна юзини кўриши алоҳида эътиборга сазовордир. Хулоса қилиб яна шуни таъкидлаш мумкинки, катталар учун ҳам, ёш томошабинлар учун ҳам бир хил даражада қизиқарли, тушунарли ва ибратли бўлган мазкур томоша ҳозирги кунларда намойиш этилаётган саҳна асарларининг сараларидан биридир.

**Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ,**
**драматург**


Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги, Тошкент Агротижорат коллежи томонидан 2001 йил 2 июлда Юсупов Умар Муродович номига берилган № 457044 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Фурқат номли 196-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Мўминов Улуғбек Нуритдинович номига берилган 11 синфни битирганлик тўғрисидаги АУ №309012 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси*

**ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОММУНАЛ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

**2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

**Кундузги бўлим (9-синфни тугатганлар учун)**

1. Қурилиш-пардозлаш ишлари;
2. Ёғочга ишлов бериш ва мебель ишлаб чиқариш;
3. Сув таъминоти ва оқава сув тизимлари мутахассиси;
Электргазпайвандчи, «ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси;
4. Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш, «ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси;
5. Турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ва таъмирлаш;
Кадастр назоратчиси, ЭҲМ оператори;
6. Интерьер ва жиҳозлар архитектураси;
7. Компьютер графикаси;
8. Менежмент. Офис ва ишлаб чиқариш менежменти;
9. Молия Корхоналар, жисмоний шахслар ва ишлаб чиқариш бўйича молия агенти;
10. Бухгалтерия ҳисоби;

**СИРТҚИ БЎЛИМ (11 - синфни тугатганлар учун)**

1. Газ таъминоти тизими ускуналаридан фойдаланиш;
2. Бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш;
3. Бухгалтерия ҳисоби назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили;
4. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш;
5. Сув таъминоти, оқава сувлар тармоқлари ускуналарини йиғиш ва улардан фойдаланиш.

**Ўқишга кирувчилар консультатив гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

1. Коллеж директори номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 0-86 У кўринишдаги тиббиёт маълумотномаси.
4. 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
5. Турар жойидан маълумотнома.
6. Туғилганлик гувоҳномасининг нусхаси.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, М.Уйғур кўчаси, 485-уй.**
**Тел: 47-79-32, 47-75-69**
**№ 20, 53, 35, 46, 126, 87-автобусларнинг «Оқтепа» бекати.**

**Шаҳримиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Матбаа, реклама,ноширлик иши ва ўраш материаллари—Uz Print Media-2004» биринчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси ўз ишини давом эттирмоқда.**

*Кўргазмалар*

# МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Буюк Британиянинг кўргазмалар ташкил этишга ихтисослашган ва юртимизда кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган ITE Group Plc халқаро компанияси ҳамда UEF компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўзаро ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг турли соҳаларга ажратилган бўлимларидан ранг-баранг матбаа маҳсулотлари, машиналари, хизматлари, ўраш ускуналари, реклама технологиялари, канцелярия товарлари ўрин олган.






Бундан ташқари матбаа машиналарига бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг ҳар хил турлари ҳам қизиқувчи тадбиркорлар ва фирмалар вакиллари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Халқаро кўргазма давомида «Реклама ва дизайн» миллий танлови ҳам бўлиб ўтди.

«Матбаа, реклама, ноширлик иши ва ўраш материаллари — Uz Print Media-2004» кўргазмаси бугун ўз ишини якунлайди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: халқаро кўргазмадан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**


## “ИШЛАБ ТОП!”

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



**Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ”и тадбиркорларга “Ишлаб топ” ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.**

**Қўшимча маълумотларни**

137-72-20, 137-72-21

**телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.**
**Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:**

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

**Акцияда қатнашган тадбиркорларга “Тасвир” нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.**



**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси газетанинг 2004 йил 15 апрелдаги 72-сонида Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ашрафий кўчасида жойлашган банкрот деб эълон қилинган «Музқаймоқ» давлат унитар корхонасига қарашли мол-мулкларнинг аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.**


Бектемир тумани ҳокимияти туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдупаттох Вахабович Абдуқодировга акаси

**Вакил Вахабович АБДУҚОДИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти «Ёшлик» маҳалласи оқсоқоли, ҳуқуқшунос

**Туйғун Аҳмедович АРИПОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

***Қоя ёқасига ўтган тулкини кўриб, йўлини кесиб чиқай, деган ўйда чапга бурилдим. Айланиб чиққунимча тулкидан ному нишон қолмади. Аттанг деб, яна каклик излашга тушдим. Овга қизиқиб кетганимдан сувга сероб Ақчасойдан узоқлашиб, қандайдир қоялар орасига тушиб қолибман. Тоққа овга борганда, албатта сувдонни қуюқ фамил ёки кўк чой билан тўлдириб олиш керак. Агар бир-иккита анор олинса, ундан ҳам соз, нордонгина шарбат чанқоқни яхши босади.***

*Табиат ажойиботлари*

# ЧАШМА ВА ЎРГИМЧАК

Орқага қайтар эканман, наҳотки йўлимда биронта ҳам чашма учрамаса деб атрофни кўздан кечирдим. Ўнг томонимдаги пастликдаги тоғолчага кўзим тушди. Олча тагида қуриган ариқчанинг изи бор экан: қирғоқларини ўт босган, баҳор ва ёз кунларида бу ариқда сув бўлгану, ҳозир эса қуриб қолган. Демак, ариқнинг бошида бирорта чашма бўлиши керак... Бор экан. Суви кичкина чуқурчага жилдираб оқиб турибди. Бир амаллаб ичарман деб эгилиб, чашма юзи ўргимчак тўрлари билан қопланганини кўрдим. Тўрга сон-саноқсиз ҳашаротлар, ҳатто иккита оқ капалак ва ниначи ҳам илинган экан.

Қаранг-а ҳашаротлар бир томчи сув учун ўзларини ажал чангалига уриб ҳалок бўлибдилар-а!! Бундан кейин келадиган ҳашаротларнинг ҳам тақдирлари аён.

Ҳа, сув қанчалар азиз эканини яна бир карра ҳис қилдим. Чидаб туролмадим, ердан новда олиб, тўрни йиртиб-йиртиб ташладим.

*Бўш вақтингизда*

## «ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ» СКАНВОРДИ

Шаклдаги хоналарда ёзилган мақолларда тушириб қолдирилган сўзларни топиб, йўналиш кўрсаткичи бўйича ёзиш билан машқни ҳал этинг.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



**Газетанинг шу йил 28 май сонида берилган «М» ҲАРФЛИ АЙЛАНМА КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Мантиқ. 2. Мисқол. 3. Матбуот. 4. Мактаб. 5. Микроб. 6. Машраб. 7. Метеор. 8. Маймун. 9. Мадраса. 10. Мискар. 11. «Мерседес». 12. Марсия. 13. Манзума. 14. Мадрас. 15. Майдон. 16. Мизроб. 17. Мадина. 18. Мартен. 19. Мақбара. 20. Мусиқа. 21. Мухбир.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Ихлос. 2. Ринг. 3. Дашт. 4. Қавс.

**Ҳикмат: Кишиларнинг қадрлиси — саховатли кишидир.**

**ДИҚҚАТ, НАЗОРАТ!**

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар Бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги моддий-техника таъминоти идораси ўз фаолиятини тугатади.

Даъволар 2004 йил 20 июлгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Султония кўчаси, 24-уй. Телефон: 64-75-00.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4127 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709. 1 2 3 4 6